Ушбу сонда:
2 ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ ШАРОФАТИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАХМАТ ОЛАМИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 июн, шанба №87 (919)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ФОРМАЛИН» - ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Навоий шаҳридаги «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар тури кўпайиб бормоқда. Яқиндагина корхонада гилам тўқиш, ип йигириш цехлари ишга тушган эди. Энди улар қаторида яна янги бир маҳсулот - формалин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Формалин халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида ишлатилади. Айниқса, у мебел саноати учун жуда зарур маҳсулот бўлиб, илгари Россиядан олиб келинарди. Корхонада йилига етти минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Цех ишга тушгач, 3О нафар йигит-қиз янги иш ўринларига эга бўлишди.

# ЎЗАРО ИШОНЧ - САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш ва Тожикистон Республикасига расмий ташрифини амалга ошириш учун 14-15 июн кунлари Душанбе шаҳрида бўлди.

1994 йил 30 апрелда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ягона иқтисодий маконга асос солиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Шу йили мазкур шартномага қўшилган мамлакатларнинг Давлатлараро кенгаши ҳамда Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкига (Центразбанк) асос солинди. Давлатлараро кенгаш ҳамжамият доирасида иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик алоқалари тизимини муайян йўналишга солиш билан боғлиқ масалаларда раҳбарлик қилса, Центразбанк қўшма лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан шуғулланади.

Навбатдаги, Душанбе саммити, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, интеграцияни янада чуқурлаштириш, яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Давлатлараро кенгаш мажлисида эса ҳамжамиятни ривожлантириш истиқболлари, Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика захираларидан ҳамкорликда ва унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган йили ҳамжамият давлатларида саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хорижий сармоя жалб қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли ўсиш кўзга ташланди. Энг муҳими, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо барча мамлакатларда иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми ортди. Жумладан, бу борадаги ўсиш Ўзбекистонда 4,4 фоиз, Қозоғистонда 1,7 фоиз, Қирғизистонда 3,6 фоиз ва Тожикистонда 3,7 фоизни ташкил этди. Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан қўшни давлатлар орасида етакчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида қатнашчилар эътиборини йиғилиб қолган долзарб муаммоларга қаратди. Кенгаш йиғилишларида одатда ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг устувор ва муҳим йўналишлари белгиланади, бироқ уларнинг барчаси ҳам амалга ошяпти, деб бўлмайди.

Шу боис, Ўзбекистон раҳбари минтақа давлатларидаги жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича стратегик марказлари уюшмасини тузишни таклиф этди. Уюшмага бирлашган мутахассислар гуруҳи Марказий Осиё республикаларида амалда бўлган иқтисодий моделларни солиштириш, белгиланган умумий мақсадлар амалга ошиши учун уларни мослаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг мавжуд муаммоларни ҳал қилишга турлича ёндашуви стратегик вазифалар бажарилишига тўсиқ бўлаётганини қайд этди. Дейлик, Қирғизистон ва Тожикистон икки буюк дарё - Сирдарё ва Амударёнинг сув-энергетика захираларидан ўзича фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу эса қуйи оқимда жойлашган Ўзбекистон учун ноқулайликлар туғдириши табиий. Муаммоларга шу зайлда якка-якка ёндашувлар охир-оқибат минтақанинг умумий манфаатига хизмат қиладиган қарорлар чиқарилишига тўсқинлик қилади.

Ислом Каримовнинг фикрича, сув захираларидан унумли фойдаланиш бўйича лойиҳалар ижросига халқаро тузилмаларни жалб қилиш зарур. Бу тузилмаларнинг иштироки лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Мамлакатимиз раҳбари, минтақада сув захираларидан унумли фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш заруратини ҳам алоҳида таъкидлади.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бундай таклифларни тўла қўллаб-қувватлади.

Давлатлараро кенгаш мажлиси якунида Президентлар бир неча ҳужжатга имзо чекди. Жумладан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг 2005 йилгача бўлган муддатда интеграцияни ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳамжамият давлатларининг 2002 йилгача муддатда ягона иқтисодий маконни яратиш бўйича биринчи навбатдаги саъй-ҳаракатлари дастури тўғрисидаги қарорларига қўл қўйилди. Шунингдек, президентлар Сарез кўли билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир мурожаатномалар қабул қилди.




Сарез кўли кучли зилзила туфайли Мурғоб дарёсининг тўсилиб қолиши оқибатида вужудга келган бўлиб, бу ерда миллионлаб куб метр сув йиғилган. Айни пайтда минтақада сейсмик фаоллик ортгани кўлнинг табиий тўғони дарз кетиши хавфини туғдирди. Агар, худо кўрсатмасин, тўғон дарз кетса, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг беш миллионга яқин аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуди жиддий хавф остида қолади. Сарез кўли муаммосини ҳал этиш катта миқдорда маблағ талаб қилади. Шу сабабли, Душанбе саммитида Сарез кўлини хавфсиз ҳолатга келтиришда молиявий ёрдам кўрсатишни сўраб, жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилинди.

Иқтисодий ҳамкорликка бағишланган саммитда нега мазкур анжуманга унчалик ҳам алоқадор бўлмаган масала кўтарилиб, Афғонистондаги вазиятга оид мурожаатнома қабул қилинди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Афғонистон можароси минтақа мамлакатларининг иқтисодий манфаатларига катта тўсиқ бўлиб турибди. Минтақа мамлакатларининг мазкур давлат ҳудудидан ўтувчи қисқа ва қулай йўллар орқали Ҳиндистон ва Покистонга, кейин Ҳинд океани орқали Жануби-шарқий Осиё ва бошқа минтақаларга чиқиш имконияти чекланиб қолган. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Айни пайтда бу давлатдаги вазият тобора мураккаблашиб бораётир. У террор ва наркобизнес марказига, шунингдек, ҳокимият илинжида бўлган томонлар ўртасидаги улкан жанг майдонига айланиб улгурди. Жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига қарамай, бу қирғинбаротни тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти. Аксинча, вазият издан чиқиб, хатарнинг тобора кенгроқ тарқалиш хавфи келиб чиқмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, минтақамиз мамлакатларига жиддий таҳдиддир.

Президентлар томонидан қабул қилинган мурожаатномада БМТ, ЕХҲТ, Ислом конференцияси ташкилоти, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган мамлакатлар ўз таъсирини ўтказиб, афғон муаммосини тезроқ ва адолатли ҳал қилишга чақирилади. Шу ўринда саммит якунида ўтказилган матбуот анжуманида ЎзА мухбирининг шу масаладаги саволига Ислом Каримов қайтарган жавобга тўхталмоқ жоиз. Мамлакатимиз раҳбари мазкур ташкилот ва давлатларнинг халқаро миқёсдаги бу муаммога етарлича эътибор қаратмаётганини алоҳида таъкидлади.

- Бу борадаги саъй-ҳаракатлар бизни қониқтирмайди, - деди, жумладан, Ислом Каримов. - Чунки бугунги кунда афғон можароси маҳаллий ёки минтақавий эмас, жаҳоншумул муаммога айланган. Афғонистонда тайёргарликдан ўтган террорчилар дунёнинг турли бурчакларида қўпорувчиликлар содир этаётир. Бу ерда илдиз отган наркобизнес кўплаб мамлакатларга вабо каби тарқалмоқда.

15 июн куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу қўшни давлатга илк бор буюрган мазкур мақомдаги ташрифи ҳақида гапиришдан олдин 14 июн оқшомида рўй берган ҳаяжонли воқеага тўхталиб ўтиш жоиз. Шу куни Душанбедаги «Кохи Борбад» санъат саройида Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифига бағишлаб, Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталарининг катта концерти ўтказилди. Тўпланганлар саройга кириб келган икки мамлакат президентларини самимий олқишлар билан кутиб олди. Залда ҳукм сурган ҳаяжон ва кўтаринкиликда тожик халқининг Юртбошимизга бўлган улкан ҳурмат ва муҳаббатини кўриш қийин эмасди.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли қисми концерт якунида юз берди. Президентлар саҳнага кўтарилди. Имомали Раҳмонов мамлакатимиз раҳбарини тожик заминига ташрифи билан қутлар экан, Ислом Каримовни тожик халқининг «нури дийдаи тожи сари», яъни бошидаги тожи ва кўзидаги нуридир, деб атади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентига сўз берилди. Мамлакатимиз раҳбарининг, биз Тожикистонни ўз муаммолари гирдобида ташлаб қўймаймиз, биз сиз билан доим бирга бўламиз, деган сўзлари аҳли Тожикистонни ҳаяжонга солди. Кўзларда қувонч ёшлари қалқди. Ҳатто, Имомали Раҳмонов ҳам ўз ҳаяжонини зўрға босиб тургани кўриниб турарди. Ўзбекистон Президентининг қардош мамлакат фуқаролари билан бундай самимий учрашувлари тожик халқи Ислом Каримовнинг Душанбега ташрифини қанчалик интиқлик билан кутганини намоён этди.

Энди ташрифнинг расмий қисми ҳақида. Дастлаб, дастурда кўзда тутилганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг якка-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ҳамда икки давлат учун муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз истиқлолга эришгач, уларнинг тақдири турлича кечди. Жумладан, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, ўз тараққиёт йўлини белгилаш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш ҳаракатида бўлган эса, Тожикистон фуқаролар уруши гирдобида қолди. Бу эса тожик халқи бошига мисли кўрилмаган кулфатлар келтирди. Бироқ Тожикистон халқи бу муаммони ҳал қилишга муваффақ бўлди - миллий тотувликка эришилиб, аҳоли турмуши ҳам маромига туша бошлади. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи айнан шу даврга тўғри келади. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўзаро товар айирибошлаш ҳажми ортди.

Жараёнларнинг бундай тез суръатда ривожлана бориши эса томонларни ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга чорламоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосий диққат-эътибор айнан мана шу ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишга қаратилди. Музокараларда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий асослар яратиш, барча соҳалардаги мавжуд ҳамкорлик кўламини кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнггида томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни ўзаро топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзоланди.

Улар орасида икки мамлакат ўртасидаги абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, айниқса, алоҳида эътиборга молик. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги минг йилларга бориб тақалади ва бу биродарлик кўп синовларга бардош берган. Икки халқ яхши-ёмон кунларини бирга кечирган. Ислом Каримов матбуот анжуманида таъкидлаганидек, Абадий дўстлик ҳақидаги ҳужжат аслида, бизнинг минг йиллар билан ўлчанадиган қардошлигимизнинг расмийлаштирилиши бўлди.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбари имзоланаётган ҳужжатларнинг сонини кўпайтиришдан ҳам кўра, уларнинг ижросини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожида томонларнинг бир-бирига ўзаро ишончи ўта муҳимдир, деди Юртбошимиз. Таъкидламоқ керакки, бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида шундай мустаҳкам ишонч бор. Бу эса алоқаларимизнинг истиқболи порлоқ эканидан далолатдир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги билан учрашуви ҳам жуда ҳаяжонли ўтди. Имомали Раҳмонов Ислом Каримовнинг Тожикистонда тинчлик ўрнатиш йўлида кўрсатган улкан хизматлари тўғрисида гапирди. Жумладан, бир неча йил бурун, мамлакатда биродаркушлик уруши авж олган пайтда Кўлоб шаҳри саккиз ой иқтисодий қамалда қолиб кетган эди. Шаҳардаги ун заводи олдида бир парча нон илинжида юрган ўнлаб одамлар очдан ўлганди. Ана шундай аянчли шароитда Ўзбекистон, унинг бағрикенг раҳбари ёрдамга келди. Термиздан ун ортилган вертолётлар Кўлобга тинимсиз қатнагани, аҳли Кўлоб Ислом Каримовга соғликомонлик ва узоқ умр тилаб парвардигорга илтижолар қилгани ҳали ёдимизда, деди И.Раҳмонов.

- Ислом Каримовнинг Тожикистон халқига кўрсатган бундай ёрдамлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин, - деди Тожикистон раҳбари. - Биз бу саховатпешаликни, жўмардликни ҳеч қачон унутмаймиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистон Республикасига буюрган илк расмий, ҳатто бемалол тарихий деб аташ мумкин бўлган ташрифи жуда кўтаринки ва самимий руҳда ўтди. У айни пайтда, томонлар алоҳида таъкидлаганидек, самарали ҳам бўлди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Душанбе-Тошкент.**

## *Ўзбекистон-Россия: ҳамкорлик қирралари*

***Россиянинг Орехово-Зуево шаҳри мэри таклифига биноан бир гуруҳ бухоролик тадбиркорлар, корхоналар раҳбарлари, фермерлар ушбу шаҳарда бўлишди. Бухороликлар делегацияси аъзоси, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бош директори ўринбосари Муҳиддин Бозоров сафар таассуротлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:***

### ОРЕХОВО-ЗУЕВОДА БУХОРО САВДО УЙИ

- Орехово-Зуево саноати тараққий этган шаҳарлар сирасига киради. У ердаги «Ортекс» тўқимачилик комбинати, автобуслар ишлаб чиқарувчи «ЛИАЗ», прицеп ва кўчма дўконлар ишлаб чиқарувчи «Тонар» корхоналари замонавий технология билан жиҳозланган.

Учрашув ва мулоқотларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Чунончи, «Ортекс» тўқимачилик комбинатига шартнома асосида ишлаш учун бухороликлар борадиган бўлди. Шунингдек, сунъий мўйнадан болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи фабрикада бўлганимизда ғоят нафис, нархи нисбатан арзон маҳсулот тайёрланаётганининг гувоҳи бўлдик. Шу боис Бухородаги тикув фабрикаси негизида болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Сафаримиз натижаларидан яна бири Орехово-Зуевода Бухоро савдо уйини очиш ҳақида бир фикрга келинди. Бу ерда Бухоро шаҳри корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотувга қўйилади.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## СЎЛИМ ОРОМГОҲ

Самарқанд Давлат Чет тиллар институтида иқтидорли болалар дам оладиган халқаро ёзги оромгоҳ очилди.

— Оромгоҳда дам олиш муддати ўн кун бўлиб, унга инглиз, немис, француз тиллари бўйича вилоят олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади, - деди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда оромгоҳ бошлиғи, СамДЧТИ ўқитувчиси Ғанишер Раҳимов. — Бу ерда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар билан шаҳримиз тарихий обидаларига саёҳатлар уюштириш, турли маданий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Қолаверса, Америка Қўшма Штатларининг саккиз кишидан иборат Тинчлик корпуси вакиллари болаларга ўн кун давомида амалий машғулотлар олиб борадилар. Ҳозирча республикамизда ягона ҳисобланган мазкур оромгоҳга Ўзбекистон Республикаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳомийлик қилмоқда.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Абдуғаниев, СамДЧТИ ректори Юсуф Абдуллаев сўзга чиқиб, дам олувчиларни қутладилар.

*Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида*

## «БИЗДА ИШЛАШНИ ОРЗУ ҚИЛИШАДИ»

Урганч шаҳрида жойлашган «Даритал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси ўтган йилнинг декабр ойида вилоятда биринчи бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотини четга чиқарди. Италия бу корхонадан 72 минг долларлик эркаклар пойабзалини мамнунлик билан қабул қилиб олди. Чунки хоразмликлар томонидан қўшма корхонада тайёрланган оёқ кийимлари италияликларга манзур бўлганди.

Корхонада 137 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси касаба уюшма аъзоларидир. Ўтган йилнинг июн ойидан ишлай бошлаган корхона йил охиригача 50 минг жуфт эркаклар пойабзали ишлаб чиқарди.

Касаба уюшма қўмитасининг маъмурият билан тузган жамоа шартномасида ишчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиниши билан бир қаторда ишчиларга етарли шароитлар яратиляпти. Жумладан, уларга тушлик бепул берилмоқда. Шу мақсадлар учун 638,8 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари, 55 нафар ишчи зарарли цехда ишлагани учун сут, қатиқ билан таъминланаётир.

Бу ерда касаба уюшмаси бошчилигида ўзига хос иш услублари жорий қилинган. Масалан, иш ҳақи энг кам разрядда белгиланганига нисбатан минг сўм зиёд. Шунинг учун ишчи-хизматчилар 8-12 минг сўм атрофида маош олишади. Деярли ҳар ойда мукофот пули ҳам берилади. Шунингдек, улар махсус кийим бош билан таъминланганлар.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш салмоғи тобора ошмоқда. Ўтган йили 236 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 103 фоизга адо этилган бўлса, амалдаги йилнинг биринчи чорагида эса 20 минг жуфт эркаклар пойабзали тайёрланиб, режа 121 фоизга бажарилди.

— Бу йил кўрилган соф фойдадан ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада яхшилаш мақсадларига сарфлаймиз,— дейди қўшма корхона раҳбари Комилжон Холматов.

Тўғри, ҳали корхонада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири Италиядан олиб келинаётган хом ашёни анча қимматга тушаётганидир. Лекин шу хом ашё — тери воҳамизда ниҳоятда сероб. Уни қассоблар сув текинга пуллашмоқда. Шунинг учун мазкур корхона ўз имкониятларидан фойдаланиб, турли хил териларни италияликларникидан қолишмайдиган қилиб, қайта ишлайдиган завод ёки цех барпо қилса, айни муддао бўлур эди.

Ҳозир қўшма корхонада Италия моделида 6 хил, ўзбек моделида 10 хил эркаклар пойабзали ишлаб чиқарилмоқда. Келажакда моделларни янада кўпайтириш режалаштирилган.

Корхонада ишчиларга етарли шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Душ, тиббий хизмат, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Иш ҳақлари ўз вақтида тарқатилаётир. Илғор ишчиларга қўшимча таътиллар берилмоқда. Касаба уюшма ташаббуси билан корхона ишчилари шаҳарнинг ободончилик ишларида ҳам қатнашиб келмоқда. Маҳалла аҳли учун хайрия тадбирлари ўтказилди. 20 ишчи-хизматчининг фарзандларига эса оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

## меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи

**Республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиги олдидан**

# ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА - 11 МИЛЛИОН!

***Йўлдош Дўлановни оққўрғонликлар 10 йилдан бери тадбиркор сифатида билишади.***

***Бугунги кунда у ҳам туман хўжаликлари, ҳам деҳқон-фермерларга техника хизмати кўрсатувчи хусусий машина-трактор паркига эга бўлган кўп тармоқли «Мурод» фермер хўжалиги раҳбари. 70 нафар доимий, 10 нафар мавсумий ишловчилар шу фермер хўжалигида меҳнат қилишаяпти. Уларнинг ҳар бирига зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари, ойига ўртача 13-14 минг сўмдан маош тўланмоқда. Чорвачилик фермасида 100 бош серсут, зотдор соғин сигирлар, 40 бош бўрдоқига боқилаётган новвослар, ёш бузоқчалар - жами 366 бош қорамол бўлса, машина трактор паркида 20 га яқин ҳайдов, ўриш тракторлари ва мосламалар мавжуд.***

**Ислом КАРИМОВ:**

***«Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим».***

Биз уни тушлик вақти бўлганлиги учун уйидан топдик. Замонавий услубда қурилган, шарқона нақшлар билан безатилган қатор уйлар, анвойи гуллар барқ уриб очилган соя-салқин ҳовли. Буларнинг ҳаммаси хонадон соҳибининг ишнинг кўзини билиб ва ҳалол меҳнатдан топаётган даромади етарли эканлигидан нишона эди. Бизнинг нима мақсадда келганлигимизни эшитиб, идорасига бошлади. «Нексия» машинасида бир зумда етиб келдик.

Хона бежирим мебеллар билан жиҳозланган, столда компьютерлар. Ҳа, бугунги фермер оддий деҳқон ёки чорвадор эмас, балки ҳар қандай чет эллик мулк эгаси билан баҳслаша оладиган уста тадбиркордир.

- Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳини битириб келгач, ишни СЭСда оддий ҳайдовчиликдан бошладим, - дейди Й.Дўланов. - Кейинчалик савдо соҳасида ишладим. Ота-онам бутун умр далада ишлаб, ўзимиз ҳам далада катта бўлганимиз учунми, барча қишлоқ болалари каби ерга, чорвага меҳр қўйдим. 1991 йили хўжалик тасаруфида фермер хўжалиги тузиб, хўжаликдан озуқабоп экинлар учун 13 гектар ер олдим. Ўша пайтда 28 бош қорамол ва 70 бош қўйим бор эди. 1994 йили инқирозга учраган хўжалик фермасини кимошди савдосида сотиб олдим. 1997 йил «Мурод» хусусий фермер хўжалигини ташкил қилдим.

Ўтган йили туман матлубот жамиятига хизмат кўрсатиб, кейинчалик тугатилган 10-автокорхона биносини сотиб олиб, хусусий машина-трактор парки ташкил этдим. Дастлаб, қилаётган ишларимга ишончсизлик билдирган хўжалик раҳбарлари ҳозир ёрдам сўраб мурожаат қилишмоқда. Негаки, бизнинг техника ва ишловчиларимиз давлат МТПсига қараганда анча арзон нархда техника хизмати кўрсатади. Масалан ер ҳайдаш 30-40 фоизга, дала ишлари 50 фоизга арзон. Ўтган 5 ой мобайнида 7 миллион сўмлик хизмат кўрсатдик.

Чорва фермасининг ҳам МТПнинг ҳам ўша ердаги ишлар учун жавоб берувчи иш бошқарувчилари бор. Мен умумий раҳбарлик қиламан. Яъни, зиммамга ташкилий ишлар юклатилган. Яқинда яна бир тармоқ қўшмоқчиман. Ўтган йили чорва фермамиз Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Чорванаслхизмат» идораси тавсияси билан наслчилик хўжалигига айлантирилди. Бултурнинг ўзида 80 бошга яқин наслли қорамол етиштириб, туман фермерларига сотдик. Бу йил 150 бош голланд қорамоли олиб келамиз.

Сутни қайта ишлайдиган цех қурилишини йил охиригача битиришимиз керак. Бунинг учун 1,5 гектар ер олдик. Айни пайтда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Бу кичик саноат корхонасининг ҳам ўз раҳбари бўлиб, маҳсулотларимиз ташқи бозорга жўнатилади.

Йўлдош Дўланов изланишдан, ўрганишдан чарчамайдиган фермер. У чорва соҳасини мукаммал ўзлаштириш, бизнес ишларини ривожлантириш мақсадида Исроил, Германия, Голландия, Франция давлатларига бориб, у ердаги фермер дўстлари билан алоқани мустаҳкамламоқда. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билгани боис, доимий равишда «Тадбиркорбанк» кредитларидан фойдаланади. Олган қарзини вақтида қайтаради.

«Мурод» хусусий фермасида ишлашни истовчилар навбатда туришади. Сабаби маълум - яхши ҳақ тўланади. Ундан ташқари, меҳнат таътилига чиқувчиларга бир ойлик маош миқдорида мукофот, тўй, маърака қилувчиларга моддий ёрдам берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга бу ерда ишламаса ҳам зарур кўмак кўрсатилади. Яқинда «Маданият» жамоа хўжалиги фельдшер акушерлик станциясига 1000 дона 1 мартали шприц олиб берилди. Умуман, 5 ой давомида 700.000 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Қўшимча даромад топиш истагида юрганларга ҳам имкон яратилган. Яъни, фермадан бўрдоқига боқиш учун қорамол берилади. Маълум муддат боқиб, семиртириб топширса ҳар бир килограмм тирик вазн учун 375 сўмдан ҳақ тўлаб, ўз молларини қайта сотиб олишади. Шу йўл билан бир йилда 1 миллион сўм даромад қилганлар ҳам бор.

**Қ. САИТҚОСИМОВ,**
**фермер.**



Бугунги фермер замонавий компьютерлар ёрдамида ҳисоб-китоб ишларини пишиқ-пухта олиб борадиган билимдондир. «Мурод» кўп тармоқли хусусий хўжалик раҳбари Йўлдош Дўланов (суратда) ишни кўзини биладиган, ташаббускор инсон. Нияти хориж технологияси асосида гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхона барпо этиш.

***Тўрт йилдан буён тадбиркорлар билан баҳамжиҳат фаолият юритиб келяпман. Дастлабки кезлар туманда 320 та деҳқон ва фермер хўжалиги мавжуд эди. Бироқ кузатишлар натижасида уларнинг айримлари шахсий манфаатни ўйлаб, мўмай пул топиш мақсадида тадбиркорлар сафига қўшилганликлари маълум бўлди. Асл миришкор ер билан тиллаша олиши, агротехник тадбирларни шароитга мослаб оби-тобида амалга ошириши лозим. Умрида лоақал бир туп дарахт парваришламаган сохта тадбиркорлар уялиб қолишди. Улар гектаридан 10-15 центнердан пахта, 15-20 центнердан ғалла ҳосили олдилар, холос. Пировард-натижада минг афсус ила ўз фаолиятларини тўхтатдилар.***

## ФЕРМЕР МАҲСУЛОТИ ХОРИЖГА

Бугунги кунда мулкдорларга катта имконият яратилган. Улар бутун куч, билим ва тажрибаларини ишга солиб нимага қодир эканликларини амалда кўрсатишмоқда. Эътибор қилинг, ўтган йили Оққўрғон тумани бўйича пахтадан 28,1, ғалладан эса 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, фермер хўжаликлари бу кўрсаткични 35,5 ва 45 центнерга етказдилар. Бунга асосан ҳосилдорликни ошириш эвазига эришилди. Демак, ислоҳотлар ўзининг кутилган натижасини бермоқда.

Бугунги фермер уста деҳқон, яхши иқтисодчи, моҳир ташкилотчидир. Бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши билади. Авваллари хўжалик пахтазорларидаги ҳосилни йиғиштириб олиш учун кетма-кет ҳашарчилар жалб этилarди. Энди эса фермер муҳим ишни ўз аъзолари билан бемалол уддаламоқда. Даромади ҳам ўзига, яхши кунларига ярамоқда. Бундан ташқари, бултур 1998 йилги ҳосил ҳисобидан 50 тонна пахта ёғи, 350 тонна кунжара, 210 тонна шелуханинг ярми фермер хўжаликларига тарқатилди. Шу боис, улар бошқа соҳаларни ҳам ривожлантириш имконига эга бўлдилар.

Иқтисодий ислоҳот, Президент Фармонлари шарофати билан бозор қийинчиликлари муваффақиятли енгиб ўтилмоқда. Мулкдорлар янги уйлар қуришмоқда, тўйлар қилишмоқда. Кўпчиликлари ўз автомашиналарига, хонадон чорвасига эга. Айни кунларда буғдой ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин бормоқда. Дастлабки натижалар йил қувончли якунланишидан дарак беряпти.

14 та фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланмоқда. Улар зотдор молларни кўпайтириб, маҳсулдорликни тобора оширишмоқда. Эътиборлиси шуки, энди кўпчилик ўз маҳсулотини ўзи қайта ишлаш орзусида изчил ҳаракат қилмоқда. Бу борада дастлабки хайрли қадамлар қўйилди. Масалан, «Умид» хусусий фермаси раҳбари Сайдахмад Маматов тадбиркорлар томонидан етиштирилган пиёзни сотиб олиб, махсус технология асосида қуритиб, шартнома асосида Россия Федерацияси шаҳарларига етказиб бермоқда. Яқинда бир гуруҳ мутахассислар, фермерлар билан Москвада бўлдик. У ерда ўз маҳсулотларимизни Русия бозорларида сотиш ҳақида келишиб олинди. Бироқ ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

**Абдурасул САЙДАХМЕДОВ,**
**деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси Оққўрғон туман вакиллиги раҳбари.**

***Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари орасида «Нурали» фермер хўжалиги аъзолари ҳам бор. Улар ўз етакчилари Нурали Белгибоев (суратда чапда) бошчилигида қийинчиликларни енгиб, юксалиш йўлига чиқиб олдилар. Тадбиркорлар бу йил буғдойдан баракали ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда бебаҳо бойликни ўз кучлари билан ўриб-янчиб олиш учун барча имкониятни ишга солишмоқда.***



## ЕРНИНГ УМРИ ЗОЕ ЎТМАСИН

Оққўрғон фермерлари ҳақида гап кетганда Вали Сулаймонов номи ҳам биринчилар қаторида тилга олинади. У уста деҳқонлар, боғбонлар орасида вояга етди. Ғоят тадбиркор, узоқни кўриб иш юритади. Шу боис, буғдой ҳосилдорлигини 40 центнердан оширишга эришиб келаяпти. Йиллик даромади 3 миллион сўм атрофида бўлмоқда.

Бахтга қарши ҳамма тадбиркорлар ҳам ишончни оқлашаяпти, деб бўлмайди. Фермерлар аттестациядан ўтказилганида айримларининг билими талабга мутлақо жавоб бермаслиги маълум бўлди. Кимлардир шахсий бойлик орттириш мақсадида фермерликка қўл уришган. Бундайлар уялиб қолишади, албатта. Сохта фермерлар даласидан олинган ҳосил пахтачиликда 18-20 центнерни ташкил этганлиги фикримизнинг далилидир. Ернинг умрини зое ўтказаётган бундай кимсалар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Ишончни оқламаётган 39 та тадбиркорга ажратилган ер қайтариб олиниб, ҳақиқий фермерларга қўшиб берилди. Бунинг шарофати билан туманда неъмат етиштириш сезиларли даражада ортмоқда.

## ХУСУСИЙ ФЕРМА ИМКОНИЯТИ

«Жавлон» фермер хўжалигига қарашли хусусий ферма қирлар бағрида жойлашган. Бир вақтлар бу ерда «Гулистон» жамоа хўжалигининг паррандабоқарлари ишлашарди. Асл тадбиркор Шерали Йўлдошев деярли инқирозга юз тутган фермани кимошди савдосида сотиб олиб, чорвачиликни ривожлантиришга жазм этди. Ойлар мобайнида оила аъзолари билан кеча-ю кундуз меҳнат қилди. Натижа чакки эмас. Ҳозирда хусусий фермада 76 бош зотли қорамол парваришланмоқда. Новвослар ҳар бир фермернинг ҳавасини келтиради.

Шерали жамоа хўжалиги билан шартнома тузган. Унга асосан озуқабоп экинлар учун 13,5 гектар, буғдой етиштиришга эса 22 гектар ер ажратилган. Фермер омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб чорвачиликни ҳам, ғаллакорликни ҳам дўндираяпти. Бу йилги нияти истеъмолчиларга 11 тонна гўшт етказиб бериш.

Хусусий фермада ишловчиларнинг кайфияти чоғ. Ўртача ойлик маошлари 12 минг сўмни ташкил этаяпти. Бундан ташқари, ҳар бир ишловчи биттадан қорамолини ферма ҳисобидан боқиш ҳуқуқига эга. Бу фермер хўжалиги низомида алоҳида қайд этилган. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ, омилкор кишилар бултур 20 гектар буғдойзордан 46 центнердан хирмон кўтаришганди. Бу йилги ниятлари мазкур кўрсаткични камида 50 центнерга етказиш.

— Президент Фармони меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи бўлмоқда, — дейди тадбиркор Шерали Йўлдошев. — Ҳақиқий мулкдор бўлганлигимиздан бошимиз осмонда. Ҳар қарич ер, техника, ёқилғидан унумли фойдаланилмоқда. Тежамкорлик кундалик шиоримиз. Шу боис ўтган йили 1 миллион 200 минг сўм соф фойда олдик. Шунинг ҳисобидан техникамиз кўпайди, қўшимча бинолар қурдик, чорва бош сони ортди.

"Жавлон" тадбиркорлари хайрия ишларида ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар олти нафар боқувчисини йўқотган қарияларни ҳомийликка олишган. Қишлоқни ободонлаштириш, шифо масканларини жиҳозлаш ишларига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишаяпти. Шералининг режалари катта. У Россиянинг кўпгина тадбирорлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Имкониятдан фойдаланиб сутни қайта ишлайдиган кичик корхона очиш орзусида елиб югурмоқда.

**Бакр ИСРОИЛОВ,**
**фермер.**

## УЙЛАР, ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Нурали Белгибоев нафақадаги милиция полковниги. Айни пайтда туман мулкдорлари ҳазил аралаш уни «фермерлар саркори» дейишади. Сабаби Нурали ака деҳқончиликда юқори ҳосил олишга эришиб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

Нафақага чиққач, у бир йил дам олди. Ишга ўрганган одам эмасми, кунлари ниҳоятда зерикарли ўтарди. Деҳқончилик унинг ёшлигидан севимли машғулоти бўлганлиги сабабли ер олиб ишлашга қарор қилди. «Гулистон» жамоа хўжалигидан ижарага ер сўраб борганида, унга энг камҳосилли, қаровсиз 35 гектарли майдонни тавсия қилишди.

— Бу майдонлардан аввал 17-18 центнердан пахта ҳосили олишган экан, — дейди фермер биз билан суҳбатда. — Қўлингдан келса, ўша майдонда ўзингни кўрсат, дейишгандай туюлди назаримда. Рози бўлиб, ишга киришдим. Аввало ерни ўғитга тўйдирдим, парваришга зўр бердим. Биринчи йилдаёқ ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олдим. Шу аснода «Нурали» деҳқон-фермер хўжалиги шаклланди.

Ўтган йили ҳар гектардан 36 центнердан пахта, 40 центнердан буғдой йиғиштириб олишга муваффақ бўлган фермер хўжалиги аъзолари йилни 2 миллион 860 минг сўм соф фойда билан якунладилар. 240 минг сўм пул 23 нафар аъзога қўшимча ҳақ сифатида тарқатилди. Йил давомида фермер хўжалиги аъзолари арзон нарҳда керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб борилди. Айни пайтда «Нурали» фермер-хўжалигига тегишли 16 гектар майдондаги буғдой ҳосили кўзни қувнатади. 39 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари гуркираб ўсаяпти.

— Юртбошимиз Ислом Каримов савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деб бежиз таъкидламайдилар, — дейди тадбиркор. — Аъзоларимизнинг фарзандлари 4-мактабда ўқишини ҳисобга олиб, илм масканини таъмирлашга баҳоли қудрат ёрдам бераяпмиз. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, кийим-кечак тақдим қиламиз. Маҳалланинг «Наврўз» байрами харажатига ҳам ҳисса қўшаяпмиз. Шу йил 30 апрелда оқинларни кутиб олдик. Ўзиям тўйга айланиб кетди тадбиримиз. Ўзим ҳам қозоқ фарзандиман. Ўзбекистонда яшаётганим, эл равнақига ҳисса қўшаётганим билан фахрланаман.

Фермер хўжалиги ўз техникасига эга. Аъзоларга жамоа хўжалиги нормативидан 10-15 фоиз ортиқча ҳақ тўланаётгани, маошлар вақтида берилаётгани боис бу кичик хўжаликда ишлашни хоҳловчилар кўп.

**Ў. БОЙМУХАМЕДОВ,**
**тадбиркор.**

**Саҳифани тайёрловчи: Муборак МИРКАМОЛОВА, «Ишонч» мухбири.**

## Илҳом

### ТУРНАЛАР

*Жийдалар гулига лабимни босдим,*
*Шаббода сирига қулоғим осдим.*
*Нафис чечакларга юрагим ёздим,*
*Биз томонга қайтинг энди, турналар.*

*Еллар сунбул сочим тароқлаётир,*
*Нигоҳларим сизни қароқлаётир.*
*Қалбим неларнидир сўроқлаётир,*
*Биз томонга қайтинг энди, турналар.*

*Омонлигингизнинг ўзи кифоя,*
*Ошиб келаяпсиз неча бир қоя.*
*Қирларнинг устига солибон соя,*
*Биз томонга қайтинг энди, турналар.*

### ЖУРЪАТ

*Журъат, сени ким ўқлади,*
*Қайга отди адоват?*
*Ёниқ юрак бир йўқлади,*
*Ортиб кетди адоват.*

*Жимжитликнинг бағрин ёрдим,*
*Акс-садо келаётир.*
*Хусуматни ерга қордим,*
*Шўх сабо елаётир.*

*Хусуматим сиз эдингиз —*
*Ёлғонларнинг қурбони.*
*Оқни қаро деганларнинг*
*Соқов бўлсин забони.*

*Мен сой янглиғ қуримасман,*
*Журъат отли ўқ бўлдим.*
*Разолатга чўримасман,*
*Бахтимни топиб, билдим...*

Жамила ЭРДОНОВА

### МУҲАББАТ

*Ташвишлар ганжидан гоҳо безаман,*
*Митти қуш-юракни қийнаб эзаман.*
*Бир сеҳр туйғуни шаксиз сезаман:*
*Муҳаббат!*

*Хаёлим яйратгин гулларни қучиб,*
*Келажак боғида арғимчоқ учиб.*
*Ҳаётдан бездирма, кетмагил учиб,*
*Муҳаббат!*

### БЕГОЙИМ

*Момолари сулув ўтган наслмиз,*
*Ғунча ифорлаган баҳор фаслмиз.*
*Беҳиштдаги гўзаллардан аслмиз,*
*Чилвир сочларингни кесма, бегойим.*

*Ўзлигимиз - ҳаё ҳеч тарк этмасин,*
*Ширин сўз - дилкаш дўст ташлаб кетмасин.*
*Ўтган кунларимиз изсиз ўтмасин*
*Чилвир сочларингни кесма, бегойим.*

*Замондан инжима, жойида замон,*
*Қуёш-да тонг отиб кеч ботур ҳамон.*
*Табиий ҳусндан комилдир инсон,*
*Чилвир сочларингни кесма, бегойим.*

Осиёхон ТОШМАТОВА.

## Газетхон илтимосига кўра

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ - ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

***Республика Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига биноан 2005 йилгача бўлган тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган. Бугунги кунда бу борада мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?***

***Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактик ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи Фарҳод Илҳомов билан шу хусусда суҳбатлашди:***

- Даволаш-профилактик ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси вазирлик таркибидаги энг биринчи бошқарма ҳисобланади. Бошқарма икки бўлим - Стационар ва ихтисослашган тиббий ёрдам ҳамда Амбулатор хизмат ва шошилинч тиббий ёрдам бўлимидан иборат.

Бошқарманинг асосий фаолият мезонига Республикада тиббий хизматни ташкил қилиш, республика тиббий муассасаларида, шунингдек, Тошкент шаҳри, вилоятлар тасарруфидаги тиббий муассасаларда тиббий ёрдамни ташкил этишни бошқариш киради.

Бундан ташқари, республикадаги даволаш муассасаларини зарур дори-дармонлар билан таъминлашни бошқариш ҳам фаолиятимиз доирасидадир. Шунингдек, республика миқёсида энг долзарб масалаларга бағишланган ишчи-семинарлар, амалий йиғилиш ва конференцияларни ташкил этиш, ҳар бир тиббий муассасанинг даволаш фаолиятини доимий назорат қилиш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир.

Яна бир гап. Касалхона ва поликлиникаларда тиббиёт хизмати кўрсатиш хусусида кўп сўрашади.

Аввало, поликлиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш бепул бўлиб келган, ислоҳотларда ҳам уларнинг бепул хизмат кўрсатишлари таъкидланади. Касалхоналарга келсак, республика ва шаҳар шифохоналари соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури бўйича 1998 йилдан бошлаб аралаш молиялаштиришга ўтказилган. Яъни, 1998 йилда аралаш молиялаштириш ҳажми ўртача 6 фоизни, 1999 йилда ўртача 15 фоизни, 2000 йилда эса 25-30 фоизни ташкил қилади. Аммо шуни унутмаслик лозимки, аввало шифохона учун давлат маблағ ажратади. Бир қисм маблағни эса касалхоналар ўз фаолияти, яъни пуллик диагностика, бўлимлар, палаталар, дорихоналар ёки маиший хизмат йўналишлари ташкил қилиш орқали топадилар. Шу ўринда поликлиника ва бирламчи тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг ҳам аралаш молиялаштиришга ўтмаслигини, улар доимо давлат томонидан маблағ билан таъминланишини таъкидлаш жоиз.

2005 йилга бориб эса аралаш молиялаштиришга ўтувчи ҳар бир шифохона 80 фоиз маблағни ўзи топиши лозим.

Шунга қарамай, барча шошилинч ва тез тиббий ёрдам муассасалари, барча болалар шифохоналари, туғруқхоналар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар даволанадиган шифохоналар - сил, эндокринология,онкология, наркология, руҳий, юқумли, тери-таносил, СПИД касалликларини даволашга ихтисослаштирилган шифохоналар бутунлай давлат ҳисобидан молиялаштирищда давом этаверади.

Дастурдан, яъни пуллик хизматни ташкил қилишдан асосий мақсад инсонларни ўз саломатликлари қадрига етишга ўргатишдир.

Ҳозирда Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган вилоятларида шошилинч тиббий ёрдам марказлари ишга туширилди. Эндиликда бошқа вилоятларда ҳам шундай марказлар ишга туширилиши мўлжалланган.

Шунингдек, республика аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларида истиқомат қилиши инобатга олиниб, қишлоқ тиббий муассасаларини такомиллаштириш масаласи ўта долзарб деб қаралди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 2000 йилга қадар мўлжалланган дастури тўғрисида»ги Қарори асосида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қарорнинг ижроси натижасида жаҳон тиббий амалиётида қабул қилинган, умумий амалиёт врачи ишлайдиган қищлоқ врачлик пункти, яъни қишлоқ аҳолисига хизмат қилувчи замонавий тиббиёт масканлари ташкил этилмоқда.

Ўтган йиллар давомида махсус ишлаб чиқилган лойиҳа асосида 575 та янги қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди. Лойиҳада катталар, болалар ва аёлларни қабул қилиш учун мўлжалланган алоҳида хоналар кўзда тутилган. Муолажа, электрокардиография, физиотерапия хоналари, лаборатория ва дорихона ҳам жойлаштирилган. Шу жойнинг ўзида сифатли тиббий асбоб-ускуна, анжом ва керакли материалларни стерилизация қилиш ҳам назарда тутилган.

**- Хорижий давлатлар билан алоқалар тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.**

- Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари кун сайин изчиллик касб этмоқда. Олим ва мутахассисларимиз ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликда ишлаш одат тусига кирмоқда. Хорижлик шифокорлар бизнинг врачлар билан биргаликда турли операцияларда иштирок этмоқдалар. Хусусан, Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси, академик Восит Воҳидов номли Республика жарроҳлик илмий марказида бу жабҳада катта силжишлар бор.

Хориждан ўрганадиган тажрибалар кўп. Аммо, бизда ҳам ҳавас қилса арзигулик иш ва тажрибалар оз эмас. МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими ривожи энг юқори деб эътироф этилаётганлиги бежиз эмас.

- Республикамизга келаётган инсонпарварлик ёрдамлари - дори-дармонлар, тиббий асбоб ускуналар ва жиҳозлар тақсимоти билан алоҳида гуруҳ шуғулланади.

Ёрдамга эҳтиёж сезаётган шифохона ва поликлиникалар қатъий рўйхат асосида таъминланадилар. Гуруҳ инсонпарварлик ёрдамининг ўз эгаларига етиб боришини ва самарали ишлатилишини ҳам назорат қилади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЯНГИ СПЕКТАКЛ

Фарғонадаги Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят театри жамоаси таниқли драматург Шароф Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар» асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди. «Соғлом авлод йили» муносабати билан саҳналаштирилган мазкур асарда ёшларнинг фикри, ўй-кечинмалари, дунёқарашлари, замонни талқин этиши, катталарга бўлган муносабатлари ўзига хос тарзда талқин этилган.

- Асар етмишинчи йилларда ёзилган ва ўз даврида кўплаб эътирозларга сабаб бўлган эди. Спектаклни саҳналаштиришда ёшларимиз қалбида ўзбекона урф-одатлар, қадриятларимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш, эскилик иллатларига қарши курашда фаолликни оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, - дейди саҳналаштирувчи режиссёр Муҳаммадсоли Юсупов.



*Боғ гулига ҳамроҳмисан, Боғдагул?*
*Туйғуларин жиловлолмай доғда гул.*
*Соҳирлигинг сеҳргарни ўлдирар —*
*Мен нетайин: ожизликдан куйди дил.*

## Тож талабгорлари

# ЯНОВСКИЙ

Бир кечанинг ўзида борбудини ютқиза оларкан, қалтис гаров бойлашлар, қарта ўйнаш, отчопарда дов қўйиш унга лаззат бағишларди, дейишади у ҳақда. Бу борада тарих ортиқча далиллар қолдирмаган. Давид Яновский тўғрисида Р.Шпильман ўзининг «Шахмат ва шахматчилар ҳақида» номли китобида шундай ёзади:

«Яновский ҳамма нарсадан кўра жаҳду жадални севарди. Лекин бу бахт кетидан қувиш эмас, ишқибозлик каби бир гап эди. У умрининг ярмини қимор ўйинлари ўйнаб ўтказди. Бунда олдинига нуқул бахти чопаверди. Аммо уни пул эмас, балки ўйин жараёни тортарди. Шунинг учун ҳам одатда то ҳамёнидаги борини бой бермагунча дов қўяверарди...»

Шундай қилиб, у табиатан ўйинчи, қаттиқ қизиқувчан берилувчи, ўжар, жиззаки одам эди. Шунингдек, Яновский,— дейди Шпильман, — кўримсиз эмас эди. У чиройли, келишган бўлиб ўзининг шўх ва жасурлиги билан ҳаммани мафтун қиларди. Шундай одам ўзининг Гродио губернасининг Волковискдек чекка бир ўлкасида жимгина ўтира олармиди? Қарабсизки, йигирма ёшли Яновский она шаҳрини тарк этиб, бахт қушини ахтариб Парижга йўл олади. Кейин вақтинча Америкага жўнайди, яна Францияга қайтиб келади. Турли мамлакатларни кезади, турнирларда иштирок этади.

Бахт қушини тута олмайди, албатта. Бунинг устига тўкис ҳаёт кечиришдан кўра, кўпроқ муҳтожлик тортади. Сўнгги йиллари эса ундан ҳам баттар муҳтожликда ўтади.

Лекин Яновский танлаган йўлидан сира пушаймон бўлмайди. Унинг артистона табиатига ёрқин чақнашлар, олқишлар хосдир. Чинакам санъаткорга насиб этувчи шундай ижодий парвоз дақиқалари учун у шу йўлни такрор босишга тайёр эди.

Парижнинг шахмат аҳли 90-йилларнинг бошида у ҳақда шов-шув кўтарди. Спорт натижаларидан кўра кўпроқ жўшқин, нафис ҳамда дадил ўйин услуби ҳақида гап юритишарди.

Лекин ёш шахматчи халқаро аренада, тажрибали мастерларга қарши учрашувларда ўзини қандай кўрсатаркин? Кўпчилик шу саволни берарди.

Яновскийнинг халқаро дебюти 1894 йилда бўлди. У кўрикдан чакки ўтмади. Германия шахмат иттифоқининг 9-съездида 6-7- ўринларни баҳам кўрди.

Лекин ҳақиқий муваффақият кейинроқ келди. Тўғри, унгача ҳам Гастингсда қийин синовлар бўлди: бу ерда у 12-, 14-ўринларни бўлишиб олди. Аммо 1896 йилдан бошлаб унинг спорт ҳамда ижодий ютуқлари даражаси шиддат билан кўкка бўй чўзди: Нюрнбергда (1896) бешинчи ўрин, Венада (1896) биринчи, Берлинда (1897) тўртинчи, Лондонда (1898) 2-, 4-ўринлар, Монте-Карлода (1901) биринчи, худди шу ерда 1902 йилда учинчи, Ганноверда 1902 йилда биринчи, Парижда (1902) биринчи, Кембриж-Спрингсда (1904) 2-, 3-ўринлар, Остянда 1905 йилда 2-, 3-, Барменда эса 1905 йилда 1-, 2-ўринларни эгаллади.

Яновский муваффақиятли иштирок этган турнирлар рўйхати асло бу билан тугамайди. 1921 йилги Нью-Йорк халқаро турнирида биринчи бўлганида у эллик ёшдан ўтган эди. Лекин шулар туфайли жаҳоннинг энг кучли шахматчилари сафига қўшилган улкан натижалар билан у дуч келган муваффақиятсизликлар ҳақида ҳам индамай кетиб бўлмайди. Баъзан у рақибини камситар, баъзида унга сабр-тоқат етишмасди. Катта шахматчи бўлсада унчалик спортчи ва психолог эмасди. «Яновскийнинг партиялари»,- деб ёзган эди Ласкер, — ютуқни ўн марта қўлида ушлаб туриши мумкинлиги, лекин ўйиндан қуруқ қоламан деб охири уни боплаб бой беришини кўрсатади.»

Бинобарин, шундай бўлардики, жаҳон чемпионларини мағлуб этган шахматчи баъзан таланти жиҳатидан ҳам, маҳорат даражаси бўйича ҳам ўзидан паст рақибларга ютқизиб турарди.

Аммо уни муваффақиятсизликлар довдиратиб қўймасди. Оптимист бўлган Яновский мағлубиятни хуш кўрмаса-да, айрим муваффақиятсизликларга жиддий аҳамият бермасди. Мағлубиятни тасодиф сингари, ғалабани қонуний якун сифатида қабул қиларди.

Яновскийнинг энг катта орзуси жаҳон биринчилиги матчида Ласкер билан учрашиш эди. Бундай имконият унга икки марта — 1909 ва 1910 йилларда насиб этди. Лекин иккаласида ҳам у мағлубиятга учради. Пўлат алангадан мустаҳкамроқ бўлиб чиқди.

Умуман, унинг матчлардаги муваффақияти одмироқ бўлган эди. Унга психологик барқарорлик, ўзўзини назорат қилиш етишмасди. Бу жиҳатлар, чунончи, Ласкерда жуда бисёр эди.

Яновскийнинг ўйинида бўртиб турувчи дадил ҳужумлару ажабтовур комбинациялар ижоди энг гуллаган даврда уни замондошлари ўртасида деярли энг машҳур шахматчига айлантириб қўйди. Ҳатто, натижалар унчалик юқори бўлмаган анча кейинги вақтларда ҳам у кўп марталаб тахтада шахмат санъатининг ажойиб дурдоналарини яратди.

Яновский 1927 йил 15 январда Йер (Франция)да вафот этди.





**Мароқли машқлар**
**Иккаласида ҳам оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади.**

**Мамажон МУҲИТДИНОВ.**

## ШИФОБАХШ ЧИРОҚ

Ҳамма оддийгина қилиб «кўк чироқ» деб атайдиган лампанинг ўз тарихи бор. Аслида у рус шифокори А.Минин томонидан ихтиро қилингани учун «Минин лампаси» деб аталади.

Ёғоч пластмасса дастага мустаҳкамланадиган бу рефлекторга (ёруғликни қайтарадиган ботиқ юза) 40 ёки 60 ваттли электр лампочка ўрнатилган. Авваллари бу рефлекторга кўмир сим ва кўк шишадан ясалган лампочка ўрнатилганидан у кўк лампа деб номланган. Ҳозирги рефлекторлар лампочкаси металл симли шаффоф колбадан ясалган.

Бундай металл симнинг қиздириш даражаси юқори, устига-устак рангсиз, шиша нур, спекторини бутунича ўтқазади. Шунинг учун у тўқималарни яхши қиздиради. Шунга кўра, бу лампа тананинг бирор жойида пайдо бўладиган қаттиқ ва сурункали касалликни қайтаришдагина наф беради.

**Азиз ШАРОПОВ.**

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### (19 — 25 ИЮН)

**ҚЎЙ (21 март — 20 апрел)** Душанба куни шартномалар имзолаш, шунингдек, бошқариш қоғозларини расмийлаштиришда сизга омад кулиб боқади. Сешанба куни бироз тобингиз қочиши мумкин. Жума куни ижодий муваффақиятга эришасиз.

**СИГИР (21 апрел — 21 май)** Сешанба куни кутилмаган воқеаларнинг юзага келиши ушбу ҳафтага белгиланган режаларингизни барбод этади. Аммо кейинчалик ишингиз юришади.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)** Барча муносабатларда душанба омадли кундир. Чоршанба куни бошлиқлар кўзига кўринмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари уй юмушларини бажаришни маслаҳат берамиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июн — 23 июл)** Сешанба куни оилавий низодан кайфиятингиз тушиб кетади. Моддий ютуққа пайшанба куни эришасиз. Ушбу ҳафтадаги ишқий саргузашт узоқ вақт ёдингизда қолади.

**АРСЛОН (24 июл —23 август)** Агар иш жойингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, бу ишга ҳафтанинг бошида киришинг. Юлдузлар сиз томонда. Муҳими, бунда тўғри йўл тутишга ҳаракат қилинг.

**БОШОҚ (24 август — 23 сентябр)** Эски қадрдонингиз сиз анчадан бери интиқ бўлиб кутаётган хушхабарни етказади. Чоршанба ва пайшанба кунлари сафарга чиққанда эҳтиёт бўлинг. Жароҳат олишингиз эҳтимоли бор.

**ТАРОЗИ (24 сентябр — 23 октябр)** Чоршанба куни молиявий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти мавжуд. Пайшанба — ижод билан шуғулланиш учун қулай кундир. Жума кунги ишқий учрашув узоқ ёдингизда қолади.

**ЧАЁН (24 октябр — 22 ноябр)** Ҳафтанинг бошида ички туйғуларингиз жўш уради. Жума куни иш қоғозларини расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларни осонгина ҳал этасиз. Дам олиш кунларингиз ажойиб даврада, кўнгилли ўтади.

**ЁЙ (23 ноябр — 21 декабр)** Сизни ташвишга солаётган масалалар сешанба куни ўз-ўзидан ҳал бўлади. Тўғри йўл тутганингизга ишонч ҳосил қиласиз. Дам олиш кунлари соғлиғингизнинг бироз панд бериши белгиланган режаларингизга ўз таъсирини кўрсата олмайди.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)** Ҳафтанинг бошида юлдузлар болаликдаги орзуларингиз рўёбга чиқишига имконият яратади. Чоршанба ва жума кунлари юзага келган касб муаммоларини ҳамкасблар тавсияларисиз, ички туйғунгизга ишониб ҳал этганингиз маъқул.

**ҚОВҒА (21 январ — 19 феврал)** Сизнинг фаол иш қобилиятингиз раҳбарлар эътиборига тушади. Пайшанба-жума кунлари лавозимингиз ошиши мумкин.

**БАЛИҚ (20 феврал — 20 март)** Ҳафтанинг бошида узоқ сафарга борасиз. У муваффақиятли якунланади. Янги ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш учун пайшанба қулай кундир. Шанба куни норасмий учрашувлар, мулоқотлар ва ишқий саргузаштлар кутилмоқда.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.45

Буюртма Г— 524.
1 2 3 4 5 6